

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ » АЖ

«/ /»

2022й

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети : «Фаргона ХЭТК» АЖ га транспорт хизмати кўрсатиш хизмати

Автокран – 16-25 тонна юк кўтариши қобилиятига эга транспорт хизмати	маш.соат
Автокран – 25 тонна ва ундан юкори юк кўтариши қобилиятига эга транспорт хизмати	маш.соат
Шаланда -20 тонна ва ундан юкори юк кўтариши қобилиятига эга транспорт хизмати	тонна км.
Цемент ташувчи - 20тонна ва ундан юкори юк кўтариши қобилиятига эга транспорт хизмати	тонна км.
Экскаватор 1.17 $m^3$ ва ундан юкори кувватта эга транспорт хизмати	маш.соат
Бортавой транспорт хизмати	маш.соат
Трансформатор ёгини ташиш учун транспорт хизмати	тонна км.

Курилишда техник назорат ишларини бажариши хизмати хизмати

1.2. Танлов қиймати 990 000 000 ( Туккиз юз туксон миллион ) сум

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуплари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. «ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ » АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шахар Кувасой 74

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов « ФАРГОНА ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ » АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВДА ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатый назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтиослашган, камиде 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети қўйматининг камиде 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни бернига банк кафолатномаси, ишлар (хизматларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лайқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

(50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчилликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибига мувофиқ тегиши лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

**3.4.** Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишига руҳсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турдиганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегиши иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буортмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буортмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брюшоралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

**4.5.** Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳаққиийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тутагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартариши киритиш ҳукуқига эга.

## 5. ТОМОНЛарНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабарини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тадқим этилган барча ҳужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (иши, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров эълонида белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланиди ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан танлов шартномаси ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тадқим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегиши тушунтиришларни тадқим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

МТТБ БОШЛИГИ:

Ж. АШУРОВ